

**ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ
ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТИПИДАГИ
БЎЛИНМАЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ИЛҒОР ТАЖРИБАСИ: ИЖОБИЙ
АМАЛИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

© *Шокиров Фаррухбек Одилжон ўғли*

Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси Хизматни таъкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими Таълим муассасаларини қўриқлашни таъкиллаштириш бўлими катта инспектори, катта лейтенант

e-mail: farruxbekshokirov94@gmail.com

телефон: +99899 707 90 44

Аннотация: Мазкур мавзу хорижий давлатларда миллий гвардия типигаги бўлинмаларнинг қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида шаклланган ижобий тажрибаларини қиёсий-ҳуқуқий ва амалий ёндашув асосида ёритишга қаратилган. Таҳлилда объект хавфсизлигини таъминлашда профилактиканинг устуворлиги, кўп қатламли ҳимоя модели (“периметр–кириш назорати–ички хавфсизлик”), режим талабларини қатъий ижро этиш, стандартлаштирилган хизмат тартиб-таомиллари (SOP), рискка асосланган режалаштириш ва ресурсларни жойлаштириш каби механизмлар ижобий амалиёт сифатида кўрсатилади. Шунингдек, техник қўриқлаш воситаларини (видеокузатув, сигнализация, датчиклар) оператив хизмат билан интеграция қилиш, видеотаҳлил/аналитикадан фойдаланиш, тезкор жавоб гуруҳлари орқали “response time”ни қисқартириш, ҳодисаларни тезкор қайд этиш ва таҳлил қилиш, ҳамда идоралараро ахборот алмашинувини автоматлаштириш профилактика самарадорлигини оширувчи муҳим омиллар сифатида асосланади. Хулоса сифатида, хорижий ижобий тажрибалар миллий амалиётда ҳуқуқий аниқлик, SOP, рақамли мониторинг, KPI-аудит ва инсон омили тайёргарлигини уйғунлаштирган комплекс ёндашувни жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: миллий гвардия типигаги бўлинмалар, хорижий тажриба, қўриқланадиган объект, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, кўп қатламли ҳимоя, периметр назорати, кириш-чиқиш режими, идентификация, видеокузатув, сигнализация, видеотаҳлил (аналитика), SOP, рискка асосланган режалаштириш, тезкор жавоб гуруҳи, response time, идоралараро ахборот алмашинуви, рақамли мониторинг, KPI, аудит.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий-ҳуқуқий ислохотлар мантиқий давоми сифатида, Президентнинг 2022 йил 15 ноябрдаги “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–247-сон Фармони¹ ижросини таъминлаш мақсадида қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш жараёнларини институционал жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган янги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар жорий этилди. Шу муносабат билан, қонун ижодкорлиги жараёнларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг илмий-методологик асосланганлигини таъминлаш ҳамда давлатнинг стратегик ривожланиш устувор йўналишларига мос ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–462-сон Қарори² қабул қилиниб, Президентга ҳисобдор давлат экспертлик илмий-тадқиқот муассасаси – қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ташкил этилди.

Мазкур институт Низомида унинг устувор вазифаларидан бири сифатида миллий қонунчиликни ривожлантиришни прогнозлаш соҳасида тизимли тадқиқотлар ўтказиш, бу жараёнда илғор халқаро тажриба, замонавий юридик фан ютуқлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижаларидан комплекс фойдаланиш ҳамда тадқиқотлар ҳулосаларини қонун ижодкорлиги соҳасидаги давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига самарали тарзда интеграция қилиш белгиланган³. Мазкур нормалар, аввало, қонун ижодкорлиги фаолиятини фақат миллий ҳуқуқий анъаналар доирасида эмас, балки ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва халқаро стандартлар билан солиштирма-

¹ Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–247-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/ru/docs/6331771>

² Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–462-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/ru/docs>.

³ “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–462-сон Қарори, Институт Уставининг II бўлими – “Институтнинг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва функциялари” // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/ru/docs>.

ҳуқуқий таҳлил асосида юритиш зарурлигини институционал даражада эътироф этади.

Шу ўринда, бугунги кунда Миллий гвардия, жандармерия ёки ҳарбий-полис типигаги бўлинмалар замонавий хавфсизлик архитектурасида фақат “куч ишлатувчи” субъект сифатида эмас, балки жамоат хавфсизлигини таъминлаш, стратегик аҳамиятга эга объектларни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи ихтисослашган институт сифатида намоён бўлади. Д. Луттербекнинг таъкидлашича, жандармерия туридаги кучлар “гибрид табиатга эга” бўлиб, бир томондан ҳарбий интизом ва марказлашган бошқарувга таянади, иккинчи томондан эса фуқаролик жамияти ва парламент олдида ҳисобдор бўлган ички хавфсизлик институти сифатида фаолият юритади. Бу эса кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўрни ва масъулиятини алоҳида юксак даражага кўтаради⁴.

Шундан келиб чиқиб, янги Ўзбекистон шароитида жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган Кўриқлаш бош бошқармаси фаолиятини ҳам айнан шу институционал ёндашув асосида тадқиқ этиш долзарб вазифа сифатида намоён бўлади. Хусусан, кўриқлаш хизматини демократиявий полиция стандартлари асосида ривожлантириш, кўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маъмурий ваколатларнинг ҳуқуқий асосларини мукаммаллаштириш, шунингдек, жамоат хавфсизлиги соҳасида Кўриқлаш бош бошқармасининг институционал ролини кучайтириш давр талабига айланмоқда. Бунинг учун ривожланган давлатларнинг кўриқлаш (*security, guarding*) бўлинмалари фаолиятида қўлланаётган ижобий механизмларини чуқур ўрганиш ва уларни миллий қонунчиликни моделлаштириш жараёнига инкорпорация қилиш илмий-назарий жиҳатдан асосли, амалий нуқтаи назардан эса ўта долзарб ҳисобланади.

Шунингдек, бугунги кунда ЕХҲТ томонидан тайёрланган “*Guidebook on Democratic Policing*” қўлланмаси демократик полиция моделида шундай бўлинмалар фаолияти фақат инсоний қадр-қимматни ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига риоя этиш, жамоат олдида очиклик ва ҳисобдорлик, шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорлик принципларига таянган

⁴ Lutterbeck D. *The Paradox of Gendarmeries: Between Expansion, Demilitarization and Dissolution*. DCAF, SSR Paper №8, Geneva, 2013 // https://www.files.ethz.ch/isn/173448/-SSR_8_EN.pdf

тақдирдагина легитим деб баҳоланишини қайд этади⁵. Демак, жандармерия ва миллий гвардия каби структураларнинг қўриқлаш фаолияти ҳам замонавий демократик полиция стандартлари билан уйғун равишда ҳуқуқий-институционал жиҳатдан тартибга солинган бўлиши лозим.

Шу ўринда, ривожланган давлатларда миллий гвардия ёки жандармерия типигаги бўлинмаларнинг қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган аниқ механизмларини комплекс ўрганиш янги Ўзбекистонда Қўриқлаш бош бошқармаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг маъмурий-ҳуқуқий ваколатларини демократиявий полиция стандартига мос равишда қайта кўриб чиқиш учун муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Хусусан:

Франция давлатида “Garde républicaine” модели амалда бўлиб, мазкур моделга кўра Францияда *Республика гвардияси* (Garde républicaine) Gendarmerie nationale таркибидаги ихтисослашган ҳарбий-полис бўлинма бўлиб, унинг асосий вазифалари давлатнинг олий органлари (Президент маъмурияти, Бош вазир резиденцияси – Матиньон, Ташқи ишлар ва Мудофаа вазирликлари), миллий саройлар ҳамда қонунчилик палаталари биноларини қўриқлаш, шунингдек, умумий жамоат хавфсизлигига кўмаклашишдан иборатдир⁶. Шунингдек, Франция Республика гвардияси жамоат тартиби ва қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги механизмлар орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади:

биринчидан, сегментлаштирилган ҳудудий қўриқлаш тизими. *Елисей* саройи, Матиньон, Қонунчилик палатаси ва Сенат бинолари каби стратегик объектларда ички ва ташқи периметрлар аниқ ажратилиб, ҳар бир периметр учун алоҳида қўриқлаш режими белгиланади. Бу доирада стационар назорат постлари, динамик патруль маршрутлари ва кўп даражали видеоназорат тизимлари интеграция қилинган ҳолда фаолият юритади. Бундай кўп босқичли қўриқлаш модели хавф манбаларини эрта аниқлаш, ҳуқуқбузарлик содир этилишидан олдин профилактик таъсир кўрсатиш имконини беради⁷.

Иккинчидан, мажбурий хавф таҳлили институти. Республика гвардияси ваколатидаги ҳар бир қўриқланадиган объект бўйича терроризм, оммавий

⁵ OSCE. *Guidebook on Democratic Policing*. OSCE Secretariat, Vienna, 24 January 2007 (Kevin Carty, Senior Police Adviser).

⁶ *Les missions de la Garde républicaine*. Gendarmerie nationale, 23.04.2024. // *Garde républicaine*. Gendarmerie nationale

⁷ <https://www.gendarmerie.interieur.gouv.fr/>

тартиббузарлик, вандализм ва инфратузилмага қаратилган бошқа таҳдидларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Бу мезонлар асосида хавф даражалари (*масалан, паст, ўрта, юқори*) белгилаб борилади ва хизмат кучлари, махсус техника ҳамда ташкилий-тактик чоралар айнан шу баҳолаш натижаларига кўра жойлаштирилади. Шундай ёндашув кўриқлаш хизматини реактив эмас, балки проактив профилактика институтига айлантиришга хизмат қилади⁸.

Учинчидан, протокол ва хавфсизлик функцияларини интеграциялаш.

Республика гвардияси бир вақтнинг ўзида давлат маросимларида иштирок этувчи ҳурмат кўриқчилари, расмий эскорт (отақли парадлар, олий даражадаги ташрифлар) ва қатор объектлар ҳамда мансабдор шахсларнинг бевосита хавфсизлигини таъминловчи куч сифатида фаолият юритади⁹.

Мазкур маросимий-протокол хизматларининг хавфсизлик вазифалари билан уйғунлашуви ходимлардан юқори даражадаги психологик барқарорлик, коммуникация маданияти ва оммавий тадбирларда жамоат тартибини таъминлаш кўникмаларини талаб этади. Натижада, бу бўлинмалар фақат “*маросимий кўшин*” эмас, балки жамоат хавфсизлигида стратегик функцияларни бажарадиган профессионал полиция-ҳарбий институт сифатида шаклланади.

Шу тариқа, Франция Республика гвардияси мисолида кўриқлаш хизматининг сегментлаштирилган ҳудудий кўриқлаш, институционаллашган хавф таҳлили ва протокол-хавфсизлик интеграциясига асосланган модели кўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали механизм сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур тажриба элементларини илмий-қийёсий тадқиқ этиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармаси фаолиятига мослаштирилган вариацияларини ишлаб чиқиш миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “*демократиявий полиция*” стандартларига уйғун миллий кўриқлаш моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Италия давлатида бўлса, маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга ихтисослашган “*Comando Carabinieri per la Tutela del Patrimonio Culturale*” қўмондонлиги шундай моделнинг яққол намунаси бўлиб, у маданий бойликларни ҳимоя қилишни алоҳида соҳавий йўналиш сифатида ажратиб, вертикал бошқарувга эга ихтисослашган тармоқни шакллантирган¹⁰. “*Comando*

⁸ Pour les articles homonymes, voir [Garde républicaine](#).

⁹ *Les missions de la Garde républicaine*. Gendarmerie nationale

¹⁰ *Comando Carabinieri per la Tutela del Patrimonio Culturale* – Италия маданий меросини ҳимоя қилишга ихтисослашган махсус қўмондонлик тузилмаси ҳақидаги расмий маълумот.

Carabinieri per la Tutela del Patrimonio Culturale” таркибида археология, антиквар савдоси, сохта асарлар ва замонавий санъатга ихтисослашган бўлинмаларнинг мавжудлиги маданий мерос объектларидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва очишини фақат умумий полиция ваколоти эмас, балки тармоқлашган, бироқ ягона марказдан бошқариладиган институционал подсистема сифатида ташкил этиш мумкинлигини кўрсатади¹¹. Шу билан бирга, “Leonardo” миллий маълумотлар базасининг жорий қилиниши ўғирланган ва қонунга хилоф равишда олиб кирилган/олиб чиқилган маданий бойликлар ҳақидаги маълумотларни марказлаштириб, Карбинерилар, музейлар, божхона ва халқаро ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш орқали қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини ахборот-технологик платформага таянадиган тарзда таъминлаш имкониятини беради¹².

Испания, Нидерландия ва Германия мисолида қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқий аниқлик, секторли классификация ва хавфга асосланган бошқарув тамойиллари устувор аҳамият касб этаётгани кузатилади. Испанияда *Guardia Civil* фаолияти *Ley Orgánica 2/1986* каби органик қонунларда аниқ ифодаланиб, жамоат тартибини сақлаш, терроризмга қарши кураш, давлат бинолари ва юқори мансабдор шахслар хавфсизлигини таъминлаш, аэропорт ва коммуникация йўлларини қўриқлаш вазифалари аниқ белгилангани қўриқлаш ваколатларини бошқа полиция кучлари билан юрисдикцион тўқнашувларсиз амалга оширишга ҳуқуқий замин яратади¹³. Аэропортлар ва “эркин иқтисодий зоналар”да терминаллар, периметр, учиш-қўниш йўлаклари, багаж майдонлари ва логистика марказларида *Guardia Civil* томонидан амалга ошириладиган интеграциялашган патрул ва мониторинг фаолияти терроризм, контрабанда ва уюшган жиноятчиликка қарши “бир

Арма дей Карбиньери расмий сайтида ТРСнинг мақоми, Маданият вазирига функционал боғлиқлиги, вазифалари ва ташкилий тузилмаси ёритилган.

¹¹ “Leonardo” – *Banca dati dei beni culturali illecitamente sottratti* – Карбинерилар томонидан юритиладиган ўғирланган/қонунга хилоф кўчирилган маданий бойликлар электрон маълумотлар базаси ҳақида Италия Маданият вазирлиги ва илмий-амалий мақолалардаги маълумотлар (Leonardo базасининг мақсади, халқаро ҳамкорликдаги ўрни, профилактик текширувлардаги роли).

¹² <https://cultura.gov.it/>

¹³ *Ley Orgánica 2/1986, de Fuerzas y Cuerpos de Seguridad del Estado* – Испанияда миллий хавфсизлик, *Guardia Civil* ва бошқа хавфсизлик органларининг вазифа ва ваколатларини белгиладиган органик қонун. Унда жамоат тартибини сақлаш, давлат бинолари ва стратегик объектларни муҳофаза қилиш, аэропорт ва коммуникация йўлларини қўриқлаш вазифалари ҳуқуқий мустаҳкамланган.

субъект – комплекс масъулият” моделини шакллантириб, кўриқланадиган объектларда хавфсизлик чораларини қонунда белгиланган махсус ваколатлар билан уйғунлаштиради¹⁴. Юқори хавфли вазиятлар шароитида *Unidad Especial de Intervención (UEI)* махсус бўлинмаси кўриқланадиган объектлар худудида терроризм, гаровга олиш, оммавий тартибузарликлар сценарийларини олдиндан машқ қилиб бориши ва кризис ҳолатларида тезкор киришни амалга ошириши орқали объект хавфсизлигини таъминлашда тактик-оператив даражада ихтисослашган ресурс сифатида иштирок этади¹⁵.

Нидерландия давлатида Koninklijke Marechaussee (КМар) фаолиятида қироллик саройлари, Бош вазир резиденцияси, Вазирлар Маҳкамаси, Схипхол каби йирик аэропортлар ва бошқа стратегик иншоотларда статик кўриқлаш, шахсларни идентификация қилиш, патрул ва хавф таҳлили вазифаларини бирлаштирувчи “security and surveillance”нинг кенг қамровли модели шаклланган бўлиб, у кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини фақат физик ҳимоя эмас, балки ахборотли таҳлил ва профилактика билан уйғунлаштирувчи тизим сифатида намоён бўлади¹⁶. *High Risk Security Platoons (HRSP)* каби махсус взводларнинг юқори хавфли объектларни кўриқлашга ихтисослашгани, портлашга чидамли тўсиқлар, махсус ҳимоя воситалари ва тактик тайёргарлик орқали потенциал ҳужумларнинг олдини олишга қаратилгани эса хатар даражасига қараб дифференциялашган кўриқлаш моделини кўрсатади¹⁷.

¹⁴ *Guardia Civil – Misiones / Funciones* – Guardia Civil институционал сайтидаги “миссиялар” бўлими ҳамда шарҳловчи материаллар, уларда Guardia Civil’нинг портлар ва аэропортлар, коммуникация йўллари, қишлоқ худудлари, давлат объектлари, табиатни муҳофаза қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчилик профилактикасидаги роли кўрсатилади.

¹⁵ *Unidad Especial de Intervención (UEI) de la Guardia Civil* – Guardia Civil таркибидаги терроризм, гаровга олиш, юқори хавфли операциялар ва VIP ҳимоясига ихтисослашган элита бўлинмаси ҳақида энциклопедик ва махсус сайтлардаги маълумот; UEI’нинг юқори хавфли ходисаларга тезкор жавоб беришдаги ва оммавий тадбирлар ҳамда стратегик объектларда хавфсизлик сценарийларини машқ қилишдаги ўрни ёритилади.

¹⁶ *Koninklijke Marechaussee – taken en verantwoordelijkheid* – Нидерландия Мудофаа вазирлиги ва КМар расмий ресурсларида КМар’нинг асосий вазифалари (чегара назорати, аэропорт хавфсизлиги, қироллик оиласи ва ҳукумат биноларини муҳофаза қилиш, ҳарбий-полис функциялар) ҳақидаги маълумот.

¹⁷ *Royal Netherlands Marechaussee – security and surveillance of high-risk objects* – КМарнинг юқори хавфли объектлар (монархия резиденциялари, министрликлар, элчихоналар, Schiphol каби йирик аэропортлар)да статик кўриқлаш, идентификация, патрул ва хавф таҳлили функцияларини бирлаштирган “security & surveillance” модели ҳақида Евро-жандармерия ва НАТО/NSPCOE материаллари.

Германия давлатида бугунги кунда *Bundespolizei* ва *Bundeskriminalamt* (ВКА) ўртасида федерал бинолар, элчихоналар ва бошқа муҳим объектлар кўриқлашини ташкил этиш борасида ваколатларнинг аниқ тақсимланиши, шунингдек, Ички ишлар федерал вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “*KRITIS*” миллий стратегияси асосида критик инфратузилмаларнинг энергетика, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш каби секторлар бўйича классификация қилиниши ва ҳар бир сектор учун минимал хавфсизлик талаблари ҳамда хавф таҳлили мезонларининг белгилаб қўйилиши кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини *risk-based regulatory model* асосида таъминлаш имконини бермоқда¹⁸.

Канада давлати тажрибасида шуни кўриш мумкинки, бугунги кунда кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини шахсларни ҳимоя қилиш, киберхавфсизлик ва миссия барқарорлигини таъминлаш билан ягона концептуал майдонда кўриш зарурлигини намоён қилади. Канадада *Royal Canadian Mounted Police* (RCMP) таркибидаги *Protective Policing Program* (PPP) Бош вазир, Генерал-губернатор, олий судьялар ва бошқа ҳимояланадиган шахслар билан бир қаторда Парламент, федерал вазирликлар бинолари, расмий резиденцияларнинг хавфсизлигини ягона таҳлил ва режалаштириш тизимида таъминлайди, яъни шахс ва объект хавфсизлиги ўртасида функционал алоқадорлик ўрнатилган¹⁹. *Parliamentary Protective Service* (PPS) парламент мажмуаси ва *Parliament Hill*да жисмоний хавфсизлик чораларини амалга оширса-да, *Royal Canadian Mounted Police* билан тузилган институционал келишув асосида *Royal Canadian Mounted*

¹⁸ *Bundespolizei – Aufgaben* – Германия Федерал полициясининг расмий сайтида чегара хавфсизлиги, темир йўл ва аэропортлар, федерал бинолар ва дипломатик ваколатхоналарни кўриқлаш, шунингдек ички фавкулда вазиятларда тезкор куч сифатида иштирок этиш вазифалари баён этилган // *Bundeskriminalamt (ВКА) – Aufgaben im Personenschutz und Schutz kritischer Einrichtungen* – ВКАнинг юқори мансабдор шахслар хавфсизлигини таъминлаш, терроризм ва жиддий таҳдидларга қарши курашиш, федерал даражада критик инфратузилмаларни ҳимоя қилишга оид таҳлил ва оператив вазифалари ҳақидаги расмий маълумотлар // *Bundesministerium des Innern – Schutz Kritischer Infrastrukturen (KRITIS)* – Германияда критик инфратузилмаларни ҳимоя қилиш бўйича миллий сиёсат ва стратегия (секторлар кесимида классификация, хавф таҳлили, минимал хавфсизлик стандартлари) ҳақида ВМІ материаллари ва “*KRITIS-Стратегия*” ҳужжатлари.

¹⁹ *Royal Canadian Mounted Police – Protective Policing* – RCMP расмий сайтида федерал полициянинг *Protective Policing* дастури, унинг мақсади (федерал институтлар, юқори мансабдорлар, халқаро дипломатик миссиялар, миллий тадбирлар хавфсизлигини таъминлаш) ҳамда махсус ҳимоя хизмати сифатидаги ролини ёритувчи материаллар. Шунингдек, *Public Safety Canada* ва *NSICOP* ҳисоботларида RCMP *Protective Policing*нинг мандати ва вазифалари ҳақидаги маълумотлар.

Police операцияларда етакчи рол ўйнаши кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини федерал полиция тизими билан чамбарчас боғлайди²⁰.

АҚШ давлатида критик инфратузилмаларни ҳимоя қилиш бўйича умуммиллий сиёсат *Department of Homeland Security* ва тегишли агентликлар томонидан ишлаб чиқилган *National Infrastructure Protection Plan* (NIPP) ҳамда бошқа стратегик ҳужжатларда ифодаланган бўлиб, штат Миллий гвардия қисмлари *Domestic Operations Law and Policy Handbook* ва *CIP–Mission Assurance Assessment* (CIP–MAA) дастурларига мувофиқ критик инфратузилмалар хавфсизлиги, табиий офатлар ва оммавий тартиббузарликлар пайтида тезкор куч сифатида кенг жалб этилади²¹. Штат таркибидаги *quick reaction forces* (QRF) бўлинмалари стратегик объектларга таҳдид юзага келганда полиция билан биргаликда тезкор жавоб беришни таъминласа, киберхавфсизлик бўлинмалари критик инфратузилмалар ахборот тизимлари заифликларини баҳолаш, *mission assurance* ва *risk assessment* вазифаларини амалга оширади; бу эса кўриқланадиган объектлар ҳимоясини анъанавий физик кўриқлаш доирасидан чиқариб, кибер-физик инфратузилма хавфсизлиги концепциясига ўтказишини англатади²².

Туркия давлати тажрибасида кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашда ҳарбий-интизомли бошқарув, секторлар бўйича марказлашган кўриқлаш ва территориал мудофаа тизими билан узвий боғлиқликни таъминлашнинг аҳамиятини кўрсатади. Туркияда *Jandarma Genel Komutanlığı 2803-сон “Jandarma Teşkilat, Görev ve Yetkileri Kanunu”*га мувофиқ полиция юрисдикциясига кирмайдиган қишлоқ ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва объектларни

²⁰ *Parliamentary Protective Service (PPS)* – Парламент ҳудудида жисмоний хавфсизликни таъминловчи алоҳида тузилма сифатида PPSнинг мандати ва ташкилий ўрни ҳақида *Parliament of Canada Act*нинг 79.52-моддаси, PPS расмий сайти ва институционал ҳисоботлардаги маълумотлар (шу жумладан, 2015 йилда қабул қилинган тузилма тўғрисидаги қонун, RCMP билан тузилган меморандум ва операцияларда RCMPнинг уетакчи роли).

²¹ *National Guard Bureau – Domestic Operational Law and Policy Handbook* (2024 йилги нашрлар ва уларнинг аввалги таҳрирлари) – Миллий гвардиянинг ички операциялардаги (civil disturbance, counterdrug, cyberspace, табиий офатлар, National Special Security Events ва ҳ.к.) ҳуқуқий асослари, аҳоли ва мулкни ҳимоя қилиш, критик инфратузилмаларни ҳимоя қилишга оид вазифалари ҳақида қонунлар ва сиёсатлар таҳлили келтирилган.

²² *National Guard Bureau – Domestic Operational Law and Policy Handbook* (2024 йилги нашрлар ва уларнинг аввалги таҳрирлари) – Миллий гвардиянинг ички операциялардаги (civil disturbance, counterdrug, cyberspace, табиий офатлар, National Special Security Events ва ҳ.к.) ҳуқуқий асослари, аҳоли ва мулкни ҳимоя қилиш, критик инфратузилмаларни ҳимоя қилишга оид вазифалари ҳақида қонунлар ва сиёсатлар таҳлили келтирилган.

қўриқлаш вазифаларини амалга оширади, бунда жандармерия маъмурий-профилактик, патрул ва пост хизмати билан бирга судлов (*жиноят-процессуал*) функцияларни ҳам бажаради²³. Йирик транспорт йўллари, кўприklar, дамбалар, энергетика объектлари, давлат органлари биноларида жандармерия патруллари ва махсус қўриқлаш отрядларининг доимий мониторинг олиб бориши, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши операцияларда жандармериянинг ҳарбий қўшинлар ва миллий разведка органлари билан қўшма операцияларда иштирок этиши қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини комплекс, тизимли ёндашув асосида таъминлашга хизмат қилади²⁴.

Россия давлатида эса Миллий гвардия қўшинлари Федерал хизмати (Росгвардия) ички хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш ва терроризмга қарши кураш билан бирга муҳим давлат объектлари, махсус юклар, муҳандислик иншоотлари ва коммуникация тармоқларини қўриқлаш учун масъул бўлиб, расмий ҳужжатларда ушбу вазифалар алоҳида блок сифатида қайд этилган²⁵. Росгвардия тизимидаги ФГУП “*Охрана*” саноат, ёқилғи-энергетика комплекси, алоқа инфратузилмаси, агроиндустриал ва фуқаролик объектлари учун секторлар бўйича стандартлаштирилган қўриқлаш режаларини ишлаб чикувчи, объект хавфини баҳоловчи ва хизмат кўрсатиш шартларини белгилаб берувчи марказлашган қўриқлаш институти сифатида фаолият юритади²⁶. Илмий-амалий тадқиқотларда Росгвардия ички хавфсизлик ва территориал мудофаа ўртасидаги “*боғловчи ҳалқа*” сифатида баҳоланиб, стратегик объектлар ҳимояси миллий мудофаа режалаштиришининг ажралмас элементи сифатида талқин этилаётгани қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини алоҳида сектор эмас, балки миллий хавфсизлик архитектурасининг муҳим қисми сифатида кўриш тенденциясини мустаҳкамлайди.

²³ 2803 sayılı “*Jandarma Teşkilat, Görev ve Yetkileri Kanunu*” – Туркия Республикаси Жандармерия тузилмаси, унинг хизмат ҳудуди, жамоат тартибини таъминлаш, қишлоқ ҳудудларда хавфсизлик, объектлар қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва жиноят-процессуал вазифаларини белгилайдиган асосий қонун (1983 йил 10 мартда қабул қилинган, 12 мартда расмий газета орқали эълон қилинган).

²⁴ <https://www.icisleri.gov.tr/>

²⁵ *Федеральная служба войск национальной гвардии Российской Федерации (Росгвардия)* – Росгвардиянинг расмий сайти ва энциклопедик манбаларда ички хавфсизлик, терроризмга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, муҳим давлат объектлари, махсус юклар, муҳандислик иншоотлари ва коммуникация тармоқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари ёритилган.

²⁶ <https://ru.wikipedia.org/>

Шу тариқа, қиёсий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларнинг амалиётда шакллантирган қўриқланадиган объектлар хавфсизлиги тизимида муайян умумий қонуниятлар ва институционал тамойиллар намоён бўлмоқда. **Биринчи навбатда**, ушбу давлатларда қўриқлаш ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажарадиган ихтисослашган, вертикал тарзда бошқариладиган тузилмаларнинг мавжудлиги диққатга сазовордир. Жумладан, **Италияда** маданий мерос объектларини ҳимоя қилишга ихтисослашган *Carabinieri* таркибидаги ТРС бўлинмаси, **Испанияда** *Guardia Civil*, **Нидерландияда** *KMar*, **Германияда** *Bundespolizei* ва **Канадада** *RCMP* ҳузуридаги ҳимоя ва патрул хизматлари, **Туркияда** *Jandarma*, **Россияда** *Росгвардия* ҳамда Ўзбекистонда Миллий гвардия каби тузилмалар айнан вертикал иерархия асосида ташкил этилган бўлиб, уларнинг ваколатлари, ҳисобдорлиги ва хизмат фаолияти ягона марказлашган бошқарув орқали мувофиқлаштириб борилади. Бундай институционал модел хавфсизлик чораларини тезкор режалаштириш, ресурсларни самарали тақсимлаш ва масъулиятни аниқ юклаш имконини беради.

Иккинчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси қонунчиликда қўриқлаш тузилмалари ваколатлари, юрисдикция доираси ва жавобгарлик чегараларини аниқ ҳуқуқий меъёрлар орқали белгилаш муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Қўриқланадиган объектлар ҳудудида қўлланиладиган маъмурий мажбурлов чоралари, махсус ўтказиш тартиби, текширув ва ҳужжатлаштириш механизмлари, шунингдек, ички ишлар, миллий гвардия, мудофаа ва бошқа махсус хизмат органлари ўртасидаги функционал тақсимот қонунларда аниқ ифодаланган. Юрисдикцион чегараларнинг шаффофлиги нафақат идоралараро рақобат ва ваколатлар тақдорланишини чеклайди, балки инсон ҳуқуқлари кафолатлари, ҳисобдорлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, қўриқланадиган объектлар ва инфратузилмаларни секторлар, хатар турлари ва уларнинг стратегик аҳамият даражасига кўра чуқур классификация қилишга асосланган *risk-based* (хатарларга таянган) моделлар кенг жорий этилган. **Масалан**, Европада *KRITIS*, *CIP* каби концепциялар доирасида энергетика, транспорт, алоқа, молия, ахборот-коммуникация, мудофаа саноати ва маданий мерос объектлари алоҳида критик инфратузилма сифатида белгиланади ҳамда уларга нисбатан қўриқлаш, назорат, мониторинг ва фавқулодда вазиятларга тайёргарлик режимлари дифференциялаштирилган ҳолда белгилаб қўйилади. *Leonardo* каби интеграциялашган хавфсизлик

платформалари эса техник, ахборот-коммуникация ва ташкилий чораларни уйғунлаштирган ҳолда комплекс ҳимояни таъминлашга қаратилган. Бунда хавфни баҳолаш, сценарийли прогнозлаш ва ресурсларни приоритет тарзда йўналтириш ҳуқуқий-меъёрий асослар билан мустаҳкамланади.

Тўртинчидан, шахс хавфсизлиги билан объект хавфсизлигини бир-бирдан ажралмаган ягона концепцияда кўриш тенденцияси шаклланган. Канадада RCMP–PPS тизимида давлат органлари бино ва иншоотларини кўриқлаш фуқаролар, хизматчилар ва меҳмонлар хавфсизлигини таъминлаш билан узвий бирлашган. Шу каби, Миллий гвардия типигаги бўлинмаларга “mission assurance” вазифаларини юклаш орқали кўриқланадиган объектларда фақат периметрни муҳофаза қилиш эмас, балки хизмат кўрсатувчи шахслар, ташриф буюрувчилар, муҳим ахборот ва техника воситалари, логистика занжири хавфсизлигини комплекс тарзда таъминлаш намунавий амалиёт сифатида шаклланган. Бундай ёндашув инсон хавфсизлиги, ижтимоий барқарорлик ва стратегик активларни муҳофаза қилишни ўзаро боғланган, яхлит тизим сифатида кўришни тақозо этади.

Бешинчидан, кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фуқаролик ва ҳарбий-интизомли компонентларнинг, шунингдек, давлат–хусусий шериклик (PPP) механизмларининг чуқур интеграцияси кузатилмоқда. Ривожланган давлатларда бир қатор объектлар (масалан, транспорт терминаллари, савдо-маданий мажмуалар, молия марказлари)да давлат кўриқлаш хизмати, хусусий хавфсизлик компаниялари ва объект маъмурияти ўртасида функциялар ва масъулиятлар аниқ тақсимланган, ўзаро ҳамкорлик протоколлари, бирлашган ҳолда ўқув-машғулотлар ўтказиш ва маълумот алмашинуви тартиблари ўрнатилган. Бу эса хавфсизликни таъминлашда давлат ресурсларини оптималлаштириш, хусусий сектор имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва профилактика ишларини маҳаллий даражада кучайтиришга хизмат қилади.

Ушбу илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси шароитида Миллий гвардия Кўриқлаш бош бошқармаси фаолиятини такомиллаштириш учун муҳим назарий-амалий мезон вазифасини бажаради. Хусусан, кўриқланадиган объектларнинг ҳуқуқий мақоми, соҳавий мансублиги, стратегик аҳамияти ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда уларни тўлиқ классификация қилиш ҳамда шунга мувофиқ дифференциялашган кўриқлаш режимларини (*одатий, кучайтирилган, махсус, фавқулодда*) белгилаш заруратини асослаб беради. Шу билан бирга, объектлар ва инфратузилмалар тўғрисидаги ахборот базаларини

янгича тамойиллар асосида шакллантириш, хавф-профилларини электрон тарзда юритиш, Миллий гвардия, ички ишлар органлари, фавқулодда вазиятлар, махсус алоқа хизматлари ва соҳавий вазирликлар ўртасида ахборот алмашинувини институционал ва техник жиҳатдан қайта кўриб чиқишга эҳтиёж мавжуд.

Ниҳоят, олиб борилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар натижалари шуни кўрсатадики, амалдаги *“Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”*ги Қонуннинг *“Кўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари”* деб номланган, ҳозирда учта принципдан иборат 5-моддаси мазмун жиҳатдан замонавий хавфсизлик талаблари ва ривожланган давлатлар тажрибаси даражасида етарлича ифодаланмаган. Шу муносабат билан мазкур моддани қайта таҳрир қилиш, унинг доирасини кенгайтириш ҳамда кўриқлаш фаолиятини амалга оширишда хавфга асосланган ёндашув, критик инфратузилмаларни дифференциялашган тарзда ҳимоя қилиш, демократик полиция стандартлари, ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, идоралараро ҳамкорлик ва давлат–хусусий шериклик каби кўшимча принципларни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

Бошқача айтганда, 5-моддани илмий-назарий асосланган ҳолда қайта шакллантириш орқали кўриқлаш фаолиятининг принципларини фақат умумий ҳуқуқий қоидалар эмас, балки кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашнинг институционал, ташкилий ва ахборот-технологик асосларини ҳам қамраб олувчи комплекс нормалар тизимига айлантириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, Кўриқлаш бош бошқармаси фаолиятини ривожланган давлатлар амалиётига яқинлаштириш, миллий қонунчиликни KRITIS/CIP каби халқаро ёндашувлар билан уйғунлаштириш ҳамда кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш сифатини янада оширишга хизмат қилади. Хусусан:

“5-модда. Кўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари

Кўриқлаш фаолияти қонун устуворлиги, Конституция ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига ҳурмат, инсонпарварлик, адолат, ошкоралик ҳамда дискриминацияга йўл қўймаслик принциплари асосида амалга оширилади.

Кўриқлаш бош бошқармаси кўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги махсус принципларга риоя қилади:

1. ***жамоат хавфсизлиги ва миллий хавфсизлик манфаатларининг мутаносиблиги*** – кўриқлаш чораларини белгилашда давлат, жамият ва шахс

манфаатларининг ўзаро уйғунлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ортиқча чекламаслик;

2. **хавфга асосланган (risk-based) ёндашув** – қўриқланадиган объектлар ва инфратузилмаларни аҳамияти, заифлик даражаси ва потенциал таҳдидлар турларидан келиб чиқиб баҳолаш ҳамда ҳимоя чораларини шу баҳолаш натижасига кўра дифференциация қилиш;

3. **секторлар ва объектларни дифференциация қилинган ҳимоя қилиш** – энергетика, транспорт, алоқа, давлат бошқаруви, ҳарбий ва бошқа стратегик объектлар учун минимал хавфсизлик талабларини алоҳида белгилаш, уларни KRITIS/CIP каби критик инфратузилма таснифига мос равишда муҳофаза қилиш;

4. **физик, техникавий ва кибер хавфсизлик чораларининг интеграцияси** – периметр қўриқлаш, назорат-ўтказиш пунктлари, видеоназорат, сигнализация, ахборот тизимлари ва киберхавфсизлик воситаларини ягона тизим сифатида ишлатиш;

5. **демократик полиция стандартлари ва ҳисобдорлик** – қўриқлаш фаолиятини инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, жамоат олдида ҳисобдорлик, шаффофлик ва жамоатчилик иштирокени таъминлайдиган демократик полиция тамойиллари асосида амалга ошириш;

6. **идоралараро ҳамкорлик ва давлат–хусусий шериклик** – ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик, фуқаролар муҳофазаси, маҳаллий давлат ҳокимияти, шунингдек хусусий қўриқлаш ва инфратузилма операторлари билан ўзаро ҳамкорлик ва маълумот алмашувини тизимли йўлга қўйиш;

7. **ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш** – қўриқланадиган объектлар, таҳдидлар, ҳуқуқбузарликлар ва фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон маълумотлар базалари ва мониторинг тизимлари орқали юритиш, таҳлил қилиш ва профилактикада қўллаш;

8. **профессионалик, махсус тайёргарлик ва хизмат интизоми** – қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибининг юқори касбий малакаси, доимий ўқув-машғулотлар, халқаро стандартлар ва илгор тажриба асосида тайёргарлигини таъминлаш;

9. **ресурсларни оқилона ишлатиш ва самарадорлик** – қўриқлаш фаолиятини режаслаштиришда моддий-техника, молиявий ва инсон ресурсларидан тежамкор, мақсадли ва самарали фойдаланиш, қўриқлаш чораларини натижадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш;

10. **фавқулудда вазиятларга тайёрлик ва барқарорлик (resilience) принципи** – қўриқланадиган объектларда табиий ва техноген фавқулудда вазиятлар, терроризм ва бошқа юқори хавфли ҳолатларга тайёрлик, улардан кейин тизимнинг тез тикланишини таъминлашга қаратилган режалаштириш ва машқларни амалга ошириш;

11. **профилактика устуворлиги** – қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар, терроризм ва бошқа таҳдидларнинг олдини олишни, эрта огоҳлантириш ва хатарларни камайтиришни қўриқлаш фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаш.

Қўриқлаш бош бошқармаси ушбу моддада назарда тутилган принципларга риоя қилган ҳолда қўлланаётган мажбурлов чораларининг зарур ва етарли даражада бўлишини, фуқароларга нисбатан нозўравонлик сиёсатини, шунингдек қўриқлаш фаолияти натижаларининг тизимли мониторинг қилинишини ва таҳлил асосида доимий равишда такомиллаштириб борилишини кафолатлайди”.

Мазкур таклиф келажакда **биринчидан**, қўриқлаш фаолияти принципларини кенгайтириш қонуннинг замонавий хавфсизлик талаблари ва ривожланган давлатлар тажрибасига мос равишда модернизация қилинишига, миллий қонунчиликнинг халқаро стандартлар (демократик полиция, KRITIS/CIP ёндашуви ва ҳ.к.) билан уйғунлашувига хизмат қилади.

Иккинчидан, хавфга асосланган ёндашув, критик инфратузилмаларни секторлар кесимида дифференциялашган ҳимоя қилиш, физик–техникавий–кибер хавфсизликни интеграциялаш орқали қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Учинчидан, демократик полиция стандартлари, инсон ҳуқуқлари ва жамоат олдида ҳисобдорлик принципларини алоҳида белгилаш қўриқлаш фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мажбурлов чораларини қонуний, зарур ва мутаносиб қўллашни институционал кафолатлайди.

Тўртинчидан, идоралараро ҳамкорлик ва давлат–хусусий шериклик принципларини мустаҳкамлаш орқали ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик тизими, маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда хусусий қўриқлаш субъектлари ўртасида ягона координация ва маълумот алмашуви йўлга қўйилади, бу эса умумий жамоат хавфсизлиги тизимини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан, ахборот тизимлари ва ягона маълумотлар базаларидан самарали фойдаланиш, мониторинг ва таҳлил механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйиш қўриқлаш фаолиятини режалаштириш, таҳдидларни

эрта аниқлаш ва профилактик чораларни асосли қабул қилиш имкониятини кенгайтиради.

Олтинчидан, фавқулодда вазиятларга тайёрлик, барқарорлик (resilience) ва профилактика устуворлигига оид принципларни киритиш орқали терроризм, табиий ва техноген хавфлар шароитида қўриқланидиган объектлар тизимининг чидамлилиги, тез тикланиш қобилияти ва стратегик режалаштириш сифати ошади.